

(КПСС Марказий Комитети Октябрь Чақириқларидан).

и жобий
Гарбий (Давоми 2-бетда).

ябрь

Венгрия Халқ Республикаси
давлат мажлисининг делегацияси
шун кунийқ Тошкентдан Москвага
жунаб кетди. СССР Олий Совети
Иттифоқ Советининг раиси А. П.
Шитников ҳам меҳмонлар билан
жунаб кетди. (СЗТАГ)

1971 йил кузи ва 1972 йил баҳорида кўчат
экиш ойликлари ўтказиш тўғрисида

ҳам ҳар томонлама мадад бериб туришга ўзининг тайёр — эканлигини таъкидлади.

дай олиб борилаётганлиги мунтазам равишда ёритиб туриш топширилди.

НЕМИС КОММУНИСТЛАРИ САФИ КЕНГАЙМОҚДА

каби ирик шахарларда ўз а
путларига эга.
Немис Коммунист партия
таъсисчи Баден-Вюртемберг
ташқиотлари эълон қилди
ки, Баден-Вюртемберг сайл
кампаияси давомида партия
сафарига 300 дан ортқи йиғи
қиз қабул қилинди.
Гарбей Германия коммуни
лари Баден-Вюртемберг ки
ири шаоноларга сайлов о
нурали ошиб борибди. Улар
радио ва телевидение орқ
а тизуа чиниш имкониети бери

хитой»ни бужудга келтири-
юзасидан Америка имперри-
лизми ўтказиб келаётган си-
сат чиппака чиққанлиги
билдиради.

ХХР ҳукумати тез ора-
Бирлашган Миллатлар Таш-
лоти ишида қатнашадиган
вакилларини юборади, дейла-
баёнотда.

Цейлон халқ банки уларга ўз
муддатли кредитлар бериб, ма
лилий ёрдам кўрсатади.

режим муҳофидларнинг ҳа-
да вақти олинганини ҳушда-
дарфий трийбуналларни тарқат-
иб юбориш учун, Фахкуллода
лат тўғрисидаги қонуннинг
қор қилиниши, сисий махбу-
ратнинг овоз этилиши, демо-
ратик эркинликларнинг тикла-
ниши учун кураш олиб бори-
ла.

Коммунист; партия, да-
тазиқчилардан баъйотда ҳуш-
нинг террорига, айтқомуни-
тик юришига жавобан ўз ҳа-
катларини янада кенгайтира-
диктатурага қарши кураш-
кучайтиришга кўмаклаш-
учун халқ билан, аввало, и-
чилар синфи билан алоқа-
да янада мустақамлайд.

Область бүйича	21,5
----------------	------

«Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозида бузоқларнинг боқилиши яхши йўлга қўйилгани учун соғлом ва тез семирмоқда. Суратда: бузоқбоқар А. Пашенко ва ветеринария врач Т. Мавлонов ўроқлар бузоқларни профилактик кўрикдан ўтказмоқдалар.

В. Салов фотоси.



„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ“НИНГ ОЙЛИК КАЛЕНДАРИ

Ноябрь латинча «новем» — тўққиз деган сўздан олинган. Қадимги римликларда, янги йил мартдан бошланган календарда — йилнинг тўқ-

қизинчи ойи ҳисобланган. Мучал йили ва ўн икки бурж ҳисоби бўйича 22 ноябргача акраб, 23 ноябрдан бошлаб қавс ҳисобланади.

Душанба	1	8	15	22	29
Сешанба	2	9	16	23	30
Чоршанба	3	10	17	24	
Пайшанба	4	11	18	25	
Жума	5	12	19	26	
Шанба	6	13	20	27	
Якшанба	7	14	21	28	

Реклама
ВА
Эълонлар

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИ. ДА — 2/ХІ да Марварид изловчилар, 3/ХІ да Ойнамо, 4/ХІ да Риголетто.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 2/ХІ да Алишер Навоий 3/ХІ да Олтин девор, 4/ХІ да Уғирланган умр.

МУҚИМНИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 3/ХІ да Хотинининг эри. ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 2/ХІ да Учинчи орзу, 3/ХІ да Бахс, 4/ХІ да Дийдор, (спектакллар нундуз соат 4 да бошланади).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — РСФСР халқ артисти И. РУБАН раҳбарлигидаги ўргатилган ёшлар ҳайвонлар иштирокида Москва ДАВЛАТ ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ (кеч соат 7 яримда; шанба кунлари нундуз соат 3 ва кеч 7 яримда; яшанба кунлари нундуз соат 12, 3 ва кеч 7 яримда бошланади).

Офицерлар — «ЎЗБЕКИСТОН», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛИГИ», «ВОСТОК» (нуфт соатларда), «МОСКВА» (нундуз соат 11.40, 1.30, 5 ва кеч 7 да). Одиссейнинг саргузашти — НАВОИЙ НОМЛИ (нуфт соатларда).

Изма.из (2 серия) — «ЎЗБЕК. ИСТОП 25 ЙИЛЛИГИ» (нундуз соат 12, 3 ва кеч 6 ва 8.45 минутда). Липа остидаги шаҳар (тоғ соатларда), Ору автомат (нуфт соатларда) — «СПУТНИК».

Денгиз қўшиги (нуфт соатларда), Гитарали қаллоб (тоғ соатларда) — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛИГИ».

Клав — Мартининг ўғли — «КУКЧА» (тоғ соатларда). Кобулдаги миссия (2 серия) — САҲАТ САРОНИ (нундуз ва кеч курун).

Чермен — «НАПКА», (нундуз соат 2, кеч 9.45 минутда). Ешлар — «МОСКВА» (нундуз соат 3.20, кеч 9 да).

ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

1972 йил учун куйдаги қишлоқ хўжалик нашрларига

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

«ХЛОПКОВСТВО», «ВЕСТНИК СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОЙ НАУКИ», «ЗЕМЛЕДЕЛИЕ», «СЕЛЬСКОЕ ХОЗЯЙСТВО ЗА РУБЕЖОМ», «ЖИВОТНОВОДСТВО», «СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННАЯ БИОЛОГИЯ», «ГИДРОТЕХНИКА И МЕДИЦИНА», «СЕЛЬСКИЙ МЕХАНИЗАТОР» ва бошқалар.

Ўзбекистон ССР Алоқа министрилигининг «СОЮЗПЕЧАТЬ» бошқармаси.



Ўлкамиз ҳар фаслининг ўзига хос нашо намояи, занку сурури бор. Олтин куз саҳни саҳовати, зилол сувлари, кишига аниб бир сокин кайфият бағишлаган билан мафтун этади ўзига. Мана бу ёшлар ҳам қовжироқ тилларинг яроқларининг сирли шитирлашига маҳлие бўлганча сайр этишмоқда. Бу манзарани фотомухбир А. Падехов объектига туширган.

МУҲИМ ВОҚЕАЛАР

- 4- НОЯБРЬ — маориф, фан ва маданият масалалари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилати — ЮНЕСКО ташкил қилинган кунга 25 йил тўлади.
- 5- ТОШКЕНТ телевизион студиясининг очилганига 15 йил тўлади.
- 7- УЛУҒ ОКТЯБРЬ социалистик революциясининг 54 йиллиги.
- 7- ЕЗУВЧИ-революционер, Қизил Армия сийёси ходими, «Чапаяв» ва «Искра» тарихий асарларининг муаллифи Д. Фурманов туғилганига 80 йил тўлади.
- 10- СОВЕТ миллийлиси кун.
- Жаҳон ёшлари кун.
- 11- РУС ёзувчиси Ф. М. Достоевский туғилган кунининг 150 йиллиги.
- 17- ХАЛҚАРО студентлар кун.
- 19- АРТИЛЛЕРИЯ ва ракета қўшинлари кун.
- 26- 1924 йил Монголия Халқ Республикаси эълон қилинди.
- 28- 1820 йил Фридрих Шлегель туғилди.
- 29- 1945 йил Югославия Федератив Халқ Республикаси эълон қилинди. Югославиянинг миллий байрами.

САЙЁРАЛАРНИНГ ҲОЛАТИ

Ноябрь ойида Қуёш системасидаги сайёралардан иккитаси ахши кўринади. Кечкурун осмоннинг жануб томонидан Марс ёркин бўлиб кўзга ташланиб туради. Уни тун ярмигача кузатиш мумкин. Тунда эса Сатурн жанубдан сарғиш бўлиб кўринади. Бу Шарқда Зуҳал номи билан юртилади. У Қуёшнинг олтинчи сайёраси. Қуёш билан Сатурн оралиги 1427 миллион километр. Бу сайёра Қуёш системасидаги сайёралар орасида катталиги жиҳатидан иккинчи ўринда туради. Унинг радиуси Ерникидан салкам ўн марта катта.

Қ А В С

Ноябрь кунининг Тошкент об-хавосидаги ўртача ҳарорати СССРнинг қўшчилик жойларига нисбатан анча илқ бўлади. Чунинчи, ноябрь ойининг ойлиқ ўртача ҳарорати — 36°, Красноярскда — 9°, Москвада — 3°. Айрим йиллари ноябрь ойи илқ келиши, бунда ҳаво ҳарорати 20°гача иссиқ ҳам мумкин. Бундай йилларда тол барглари кўм-кўк туради. Очилган хризантема гуллари эса ўз тароватини йўқотмайди. Одатдаги йилларда ноябрда дарахт барг-

лари тўқилиб, ўт-қўнатларнинг қўли но-бўл бўлади, ўсимликлар ўсишдан тўхтади. Ноябрьда ҳашаротлар ниларига кириб, қарахт бўлиб қолади. Ҳеч бир жойда ҳашарот кўринмайди. Атрофда асосан қўшларининг кўриш мумкин. Ҳар хил қаргалар, зағчалар, чуғчуқлар овқат излаб юрадилар. Воҳаларга саъва ва сўфитўргайлар учиб келадилар. Боғларда, кўчаларда кўчат экиннинг қизғин даври. Қўчатлар қавс киргувчи экиб туталганни маъқул.

Ноябрь ойида боғларда дарахтларини бутан туталганни лозим. Уларнинг қўриган, қасалланган, қалқашган ортинча шохлари кесиб ташланади. Тонлар ҳам кесиб, уларга тегишли шох берилиб қўлинади. Барги билан қўриган мақсадда мувофиқдир. Қавс кириши билан дарахтлар сугорилади.

МАСЛАҲАТЛАРИМИЗ

К У Ч А Т Э К И Н Г

Ноябрь ойида боғларда дарахтларини бутан туталганни лозим. Уларнинг қўриган, қасалланган, қалқашган ортинча шохлари кесиб ташланади. Тонлар ҳам кесиб, уларга тегишли шох берилиб қўлинади. Барги билан қўриган мақсадда мувофиқдир. Қавс кириши билан дарахтлар сугорилади.

Кўчат ўтқизиш оdatда қавс киргувчи туталганни маъқул. Олма, ноғ, ўрин, олхўри каби мева дарахт кўчатларини кўзда экиса яхши бўлади. Кўчат ҳаво ҳарорати 0° дан паст бўлмаган, ёрлар музламаган вақтда экилади. Кўчат ўрни олдиндан қаллаб қўйилиши лозим. Кўчат ўрни энгилдаги дарахтларнинг катталигига нисбатан 75х75 см ва 150х150 сантиметр кенгликда қазилиши, унинг чуқурлиги эса 60—70 сантиметр бўлиши керак. Чуқур ичига янги тўғ солиш керак эмас, чириган тўғ ва қисман суперфосфат солинган маъқул.

Кўчат экишдан аввал унинг илдизи, олдин тайёрлаб қўйилган мол гўнги ва тупроқнинг суюқ аралашмасига ботириб олинадилар.

Кўчат экиб бўлгач, албатта сугорилиши лозим.

Ноябрь атиргул кўчатларини экиш учун ҳам энг қулай давр ҳисобланади.

Атиргул кўчатини экиш, дарахт кўчати экишга ўхшайди, аммо кўчат экиш учун чуқур қичирок ва юзaroқ бўлиши лозим. Атиргулга 50х50 сантиметр кенгликда, 30х35 см чуқурлигида жой ҳозирланса бўлади.

Кўзда атиргулларни бўғи тупроқ эки қичиқ билан қўмилади. Уни кўмидан олдин навалларини кесиб мумкин. Аммо навадан кесилса у кўчирлашиб қиши совуқларга чидамсиз бўлиб қолиши мумкин. Навадаси бoҳорда кесилган гул эса кечроқ очилади.

ҚИЙИН ҒАЛАБА

«Пахтакор» футболчилари қолган ўйинларини ғалаба билан якуниласаларини «хавфли зонадан чиқариш мумкин. Шунинг учун ҳам ўтган ақшанба кун «Заря» билан бўлган ўйинда икки очкони қўзғалаб ҳаракат қилдилар. Воронилловградликлар ҳам ютуқ учун астойдил иштирок этишди. Тошкентда ғалаба уларни медалларга унвондор қиларди. Меҳмонлар биринчи бўлиб ҳисобини очинди. (Старков). Қўп ўтмай Ворухнин жавоб тўпи киритди. Учрашув тугашига 9 минут қолганда у ғалаба тўпини ҳам киритишга муваффақ бўлди. Ҳисоб 2:1.

Шу ҳисоб Олмаотада ҳам қайд қилинди. «Қайрат» Донецкнинг «Шахтёр» командасини енгди. «Торпедо» — «Спартак» — 2:2.

СССР спорт комитети Бокунинг «Нефчи» командасига мусобақаларни давом эттиришга руҳсат берди. Озарбайжон футболчиларидан беш киши — Крамаренко, Мирзали, Семилгазов, Кулиев ва Гажиевлар дисквалификация қилинди. Бугунга келиб турнир жадаллидаги вазият қуйдагича:

Командалар	Ў.	Т.	О.
«Динамо» К.	29	40—15	44
«Арат»	29	35—28	35
«Динамо» Тб.	28	30—33	33
«Динамо» М.	28	34—19	30
«Заря»	28	28—23	30
«Спартак»	28	33—27	29
«Қайрат»	29	35—38	28
«Торпедо»	28	24—23	27
«Кариати»	29	28—33	27
«Зенит»	29	29—31	26
«Динамо» Мн.	28	30—37	26
ЦСКА	29	32—34	25
«Нефчи»	27	23—31	25
«Шахтёр»	29	30—35	24
СКА	28	30—39	23
«Пахтакор»	28	25—45	22

Х А Л Қ БАШОРАТЛАРИ

Қиш кунлари Қуёш ёки Ой атрофидан халқа давомли совуқ изгириндан дарак беради. Қишда ой думалоқ, тинч бўлса ҳаво совуқ, бир учини пастга қараган бўлса иссиқ бўлади.

Юлдузларнинг ёркин, тез жиниллаши — ёмғир қилинидан далолат. Юлдузлар ёмғирдан олдин ҳаворанг, қуруқ ҳаво олдин эса яшил тусда товланади. Юлдузларнинг нури қайси томонда узунроқ туюлса уша ёқдан шомол эсади. Агар қишда юлдузлар зич кўринса — совуқ бўлади. Агар Сомон йўли юлдузларга тўлиқ ва ёруғ бўлса яхши, тунд бўлса ёмон об-хаводан қаромат қилади.

Оқшомги қизил уфқ — шомолни етаклаб келади, агар кун ёруғ ботса, эртаси кун ҳаво очиқ бўлади. Агар Қуёш катта ва қизил бўлиб ботса, эртага яхши об-хавонинг кутаверинг.

ҚАЕРДА ҚОР, ҚАЕРДА БАҲОР...

Календарь ҳисоби бўйича ноябрь кунининг охириги ойи. Олтин куз мавсуми нисбатига етиб бориюнда. Ёмғир, шомол, қор охириги барглари ҳам ўз ҳолига қўймай ерга тўқилиши. Куз ҳатто Европанинг ўрта денгиз соҳилларига, Кичик Осиёга ва СССРнинг жанубий ўлкалари Сурхондарё ва Туркмакистонга ҳам, Ҳимолай этаклари, Хитойнинг ўрта қисми ва АҚШнинг жанубий районида ҳам етиб келди.

Шимолнинг ярим шарининг шимолӣ томонларида — Шимолӣ муз океан соҳилларида қиш бошланади.

Гарбий Европа, Россия Европа қисмининг жанубий районида, Кавказ тоғ этаклари қўноқ булут билан қопланган. Қорга айланиш ёмғирлар кўпроқ ёғади. Айрим жойларда қор қопламлари нуруда кела бошлади.

Ноябрнинг охирида СССР Европа қисмида, Европа ва Осиёнинг шимолӣ қисмларида, Сибирда, Канадада ҳақиқий қиш бошланади. Дарё ва кўллар музлайди. Ўрмонлардаги оқ қарағай дарахтлар ўзининг эски, олти-етти йиллик игнабарглари тўқилиди.

Шарқий Сибирь ва Узоқ Шарқда ноябрда булут кам, қўшиқ кунлар кўп бўлади. Қор жуда кам ёғади. Ер юзаси қор билан қалин қопланганлиги учун қаттиқ совуқда ер ости бир неча метрга музлайди.

Ҳайвонларнинг қузи туллаши туталгани бормоқда. Уларнинг мўйналари янгиланади, сифати яхшиланади. Шу пайтдаги он ача қадрланади.

Айиқлар горларга кириб, жойлашиб олади. Шимол бугулар тундрадан жанубга.

тайгага ўтадилар: Бу ерда овқат топиш нисбатан осонроқ.

Ўрта денгиз типидagi субтропик иқлимли ўлкаларда куз, табиати ўзгача. Қуёш келиши билан ёмғирлар ёға бошлайди. Гўё баҳордек ҳаммаёқ кўм-кўк, ўт-уланлар билан қопланади, гуллар очилади.

Ноябрда Мисрда деҳқончилик ишлари қизғин тус олади. Дарё сувлари тошган жойлар ўрнига дон экинлари экила бошланади.

АҚШнинг Калифорния вилоятида ҳам қузи ёмғир ёғади. Атроф яшил либосга бурланади. Ўтлар бутун қиш бўйи ва баҳор давомиди (ёзи иссиқ кунлар бошлангунча) кўм-кўк бўлиб ўсиб ётади.

Иссиқ ўлкаларда — Ҳиндистон, Ҳиндихитой, Жанубий Африканинг Кариб денгизи соҳилларида бироз салқин тушади. Бутун Ҳиндистон бўйлаб шолӣ ҳосили янгиштирилади ва дон экинлари экилади. Ҳиндихитойнинг айрим жойларида шолӣнинг иккинчи ҳосили пишиб етилади.

Жанубий ярим шарда ноябрь ойида ўзгача табиати кузатиш мумкин. Ноябрь жанубий ярим шарда баҳорнинг охири. Айрим жойларда жазирама ёз ҳам бошланади. Жанубий Американинг Овоти Ер ороли ва Анд тоғларида ҳам баҳор.

Африканинг жанубидаги Калахари вилоятида жазирама иссиқ ва қуруқ. Нақиб ўлкасида эса иссиқ, айни вақтда туманли, гулорли об-хаво бўлиб, қилин нафас олиш ҳам қийин. Умуман Жанубий Африканинг жанубида — иссиқ ёз.

Австралида баҳорги ёмғирлар жанубий районларга тарқайди. Кунлар исий бошлайди.

САЛОМ, ХОККЕЙ

Чарм тўп ўз ўрнини шайбага бўшатаётди. Тошкентликлар биринчи хоккей мусобақаларини бошлаш арафасида турибдилар. Ҳамшаҳарларимиз қатнашадиган «А» класс иккинчи гуруҳи командалари (шарқий зона)нинг шу ойда бўладиган ўйинлар календари билан таништирамиз:

4—5 НОЯБРЬ
Сельхозвузовец Челябинск — Шахтёр Прокопьевск.
Мотор Барнаул — Вимпел Междуреченск.
Автомобилист Олмаота — Жанубий Урал спорт клуби Орекс.
СКА Хабаровск — Каучук Омск.
СКА Новосибирск — Строитель Караганда.

8—9 НОЯБРЬ
Сельхозвузовец Челябинск — Вимпел Междуреченск.
Мотор Барнаул — Шахтёр Прокопьевск.
Автомобилист Олмаота — Чебаркул спорт клуби Орекс.
Спартак Тошкент — Жанубий Урал спорт клуби Орекс.
СКА Хабаровск — Строитель Караганда.
СКА Новосибирск — Каучук Омск.
Локомотив Омск — Водник Тюмень.

13—17 НОЯБРЬ
СКА Хабаровск — СКА Новосибирск.
Каучук Омск — Спартак Тошкент.
Строитель Караганда — Автомобилист Олмаота.

Чебаркул спорт клуби — Сельхозвузовец Челябинск.
Жанубий Урал спорт клуби Орекс — Мотор Барнаул.
Шахтёр Прокопьевск — Водник Тюмень.
Вимпел Междуреченск — Локомотив Омск.

17—18 НОЯБРЬ
Каучук Омск — Автомобилист Олмаота.
Строитель Караганда — Спартак Тошкент.
Чебаркул спорт клуби — Мотор Барнаул.
Жанубий Урал спорт клуби Орекс — Сельхозвузовец Челябинск.
Шахтёр Прокопьевск — Локомотив Омск.
Вимпел Междуреченск — Водник Тюмень.

23—24 НОЯБРЬ
Сельхозвузовец Челябинск — Каучук Омск.
Мотор Барнаул — Строитель Караганда.
Автомобилист Олмаота — СКА Хабаровск.
Спартак Тошкент — СКА Новосибирск.
Локомотив Омск — Чебаркул спорт клуби.
Водник Тюмень — Жанубий Урал спорт клуби Орекс.

27—28 НОЯБРЬ
Сельхозвузовец Челябинск — Строитель Караганда.
Мотор Барнаул — Каучук Омск.
Автомобилист Олмаота — СКА Новосибирск.
Спартак Тошкент — СКА Хабаровск.
Вимпел Междуреченск — Шахтёр Прокопьевск.
Локомотив Омск — Жанубий Урал спорт клуби Орекс.
Водник Тюмень — Чебаркул спорт клуби.